



“Тасдиқлайман”

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги

Жамоатчилик кенгаши раиси

О.Ш. Қодиров

20.06.2025.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Жамоатчилик кенгаши
мажлисининг 1-сонли

БАЁННОМАСИ

2025 йил 20 июн

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи
Иштирок этувчилар

О.Ш. Қодиров
жамоатчилик кенгаши аъзолари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Жамоатчилик кенгашининг соҳавий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ўтказилган очик мулоқоти тўғрисида.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сон фармони 7.2 банди ижросини таъминлаш билан давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил қилиш топшириғи берилган.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузурида 2025 йил 2 июндаги 71-сон буйруғи билан Жамоатчилик кенгашига Ўзбекистон геологлари миллий кенгаши раиси Обиджон Шавкатович Қодиров тайинланганлиги эълон қилинди.

Кун тартибидаги 1-масала Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги марказий аппарати касаба уюшмаси раиси Ф. Магдиевнинг ҳисоботи.

Кун тартибидаги 2-масала Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги мурожаатлар бўлими бошлиғи А. Жамоловнинг ҳисоботи.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги марказий аппарати касаба уюшмаси раиси Ф. Магдиевнинг ҳисоботи тингланди.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги марказий аппарати касаба уюшмаси томонидан Янги йил байрами арафасида болажонлар учун Янги йил тамошаларига **145** та билет, 8 март байрами муносабати билан хотин-қизлар учун концерт дастурларига **100** билет, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг маданий хордиқ чиқаришлари учун концерт дастурларига **165** та билет, давлат теартларига **32** та билетлар харид қилинди ҳамда **100** киши иштирокида жамоани шакллантириш дастури доирасида анъанага айланган “Team Bilding” семинар тренинги ўтказилди. Шунингдек, футзал бўйича вазирлик кубоги ҳамда 14 июн Ҳалқаро донорлар куни муносабати билан ихтиёрий қон топшириш акцияси ўтказилди.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги мурожаатлар бўлими бошлиғи А. Жамоловнинг ҳисоботитингланди **2025 йил давомида да жами 232 та** мурожаат келиб тушган. Келиб тушган мурожаатлардан **28 таси** ёзма, **152 таси** оғзаки ва **52 таси** электрон шаклда. Ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, уларнинг **152 таси** бўйича тегишли чора кўрилган, **77 тасига** тушунтириш берилган ва **3 таси** жараёнда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали жами **78 та** мурожаат келиб тушди. Шундан, **22 тасига** тушунтириш берилган, **52 таси** қаноатлантирилган ва **4 таси** кўриб чиқилмоқда.

“Тадбиркорлар виртуал офиси ахборот портали” орқали **2 та** ва “Экспортчилар маркази” электрон автоматлаштирилган тизими орқали **4 та** мурожаат келиб тушган ва ижроси таъминланиб тизимга бириктирилган.

Шу билан бирга мурожаатлар соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 октябрдаги 582-сонли қарорига асосан вазирлик ҳамда ташкилий тузилма таркибидаги ташкилотлардан мурожаатлар билан иш олиб боровчи масъул ходимлар Юристлар малакасини ошириш марказида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курсларида мувофаккиятли иштирок этишмоқда.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июндаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсикларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 266-сонли қарори билан белгиланган фуқаролар қабули ва сайёр қабулларни ўтказишда мажбурий тарзда сурдотаржимон иштирокини таъминлаш мақсадида ходимларнинг мономарказларда имо-ишора мулоқоти ва сурдотаржимонлик кўникмаси шакллантирилди.

3) Ишонч телефони фаолияти йўлга қўйилиб оғзаки мурожаатларни қабул қилиш ва ижросини назоратга қаратиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилган.

Расмий веб-сайтда, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда қайта алоқа тизими жорий этилган бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан келиб тушаётган аризалар ва таклифлар қабул қилинмоқда.

видеоконференцалока воситалари билан жихозланган хоналарда чекка худудлардаги фукаролар мурожаатларини қабул қилиш йўлга қўйилган.

4) ҳар ойда камида бир маротаба “Фейсбук”, “Телеграм” ва “Инстаграм” ижтимоий тармоқларида “онлайн эфир” ва “овозли чат” орқали мурожаат этувчи фукаролар ва ташкилий тузилма таркибида кирувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари ўртасида ўзаро мулоқотлар ташкил этилиб кенг ёритилмоқда.

Кун тартибидаги масалалар бўйича мутасаддиларнинг маърузалари ҳамда таклифлари атрофлича муҳокама қилиниб, вазирлик жамоатчилик кенгашининг фаолиятини янада мукамаллаштириш мақсадида йиғилиш қарор қилади:

1. Кон-геология вазирлиги марказий аппарати касаба уюшмаси раиси Ф. Магдиев ҳамда вазирлик мурожаатлар бўлими бошлиғи А.Жамоловларнинг ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жаоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги юзасидан маъсул ходимнинг ҳисоботи киритилсин.